Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 68 (21. 187) 1992 йил 4 апрель, шанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Дўст Туркияга амалий ёрдам

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА: ЎЗБЕКИСТОН ТЕЗ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИНГ ЖАНГЧИЛАРИГА, ШИФОКОРЛАР ВА ҚУРУВЧИЛАРГА

Туркияда рўй берган зилзилага Ўзбекистон халқи бепарво қараб турмади. Корхоналардан, ташкилотлардан, айрим фуқаролардан ер ости бўрони оқибатларини тугатишда ёрдам бериш ҳақида жуда кўп таклифлар тушди.

Сизларнинг сидқидилдан берган ёрдамингиз дўстлик биз учун биргаликда байрамлар ўтказишдангина иборат бўлиб қолмай, бошга мусибат тушган дамларда беғараз мададкорликдан ҳам иборат эканлигининг яна бир далили бўлди.

Сизлар зилзила оқибатларини тугатишдаги иштирокингиз билан кулфатга тушганларга ёрдам бериш борасидаги ўз инсоний бурчингизни бажардингиз ва шу тариқа Туркия халқига самимий муносабатларимизни ҳам намоён этдингиз.

Бу хайрли иш халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилишга шак-шубҳа йўқ.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Самарқандда ҳозирги кўппартиялилик шароитида партиялараро муносабатларни яхшилаш ҳамда халқ нойиблари ўртасида олиб борилаётган ишларни кучайтириш масалаларига бағишланган жумҳурият семинар-кенгаши бўлди. Унда Халқ демократик партияси вилоят кенгашларининг ана шу масалалар билан шуғулланувчи котиблари қатнашдилар.

Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов семинар-кенгаш қатнашчиларини қабул қилди ва улар билан партиянинг обрўси хусусида суҳбатлашди. Анжуманда ЎзХДП Марказий Кенгашининг котиби А. Саидов ва вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Нишонов сўзга чиқдилар.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳаммаларга, ҳаммаларга муборак!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА МЎМИН—МУСУЛМОНЛАРИГА

Муҳтарам биродарлар, оналар ва опа-сингиллар!

Бутун олам ислом аҳлининг табаррук байрами— Ийд ал-фитр (Рўза ҳайит) билан сидқидилдан муборакбод этамиз.

Исломий удумларимиз қайта тикланиши, халқимиз ўзлигини таниши ҳамда қўлингиз меҳнатда, қалбингиз Эгамда бўлсин, деган асрлар оша сайқалланган ақида дилингизга жо бўлиши, ўзаро ишонч, ҳалоллик ва поклик ўзининг азалий мустаҳкам ўрнини топиши мустақил ва озод Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий равнақида муҳим омил бўлади, деб ишонч билдирамиз.

Сизларга тансиҳатлик, тинчлик-хотиржамлик, барчангизнинг касбу корингизга барака, ишингизда ва ҳаётингизда омад ёр бўлишини тилаймиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитаси.

● Улуғ файзли ва баракали кунларда таваллуд топган юртдошларимиз ҳамиша эсон-омон бўлишсин! Аждодий заминимизда ҳамиша якдил, баҳамжиҳат, бирдам ва биродар эканлигимизни намоён қилаверайлик.

Суратни В. МОЛГАЧЕВ олган.

● САХОВАТ

БИРИНГГА МИНГ БЕРСИН

Рўзномамизнинг вилоят қабулхонасига бир йигит ташриф буюрди. Салом-аликдан сўнг ўзини таништирди. Урганч шаҳар саноат моллари савдоси идорасига қарашли «Сайёра» дўкони мудири Отажон Маҳмудов экан.

Отажон аввалига иймандими ёҳуд айтмоқчи бўлган гапини унчалик аҳамиятсиз ҳис қилиб, ўнғайсизландими, ҳарқалай, андак сукут сақлаб, қулимсираб турди. Кейин дилидагини изҳор қилди:

— Қўшкўпир районида боқувчисини йўқотган, баъзилари ҳатто қабристонда, баъзилари йиқилай-йиқилай деб турган уйларда истиқомат қилаётган 12 нафар отахон ва онахонларимиз борлигини эшитиб қолдим.

Уларга меҳр-шафқат жамғармаси бош-қош бўлиб, бир-икки хонали ихчам уйлар қуриб беришибди. Мен ҳам уларнинг ҳар бирига қурбим етгунча бирор совғасалом ҳадя қилсам, деган эдим.

Биз меҳмоннинг бу гапидан мамнун бўлдик.

— Жуда яхши, — дедик. — Бу хайрли ниятингизни жамғарма раисига етказамиз.

Отажон Маҳмудов Хоразм вилояти меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси Л. Асқарова билан боқувчисиз қолганлардан «Москва» жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи 72 ёшли Тўхта момо Машарипова, «Ленинград» жамоа хўжалигидан 64 ёшли Соля она Худойберганова, «Тошкент» жамоа хўжалигидан 72 ёшли Машариф Бектурдиев ва бошқаларга калиш ва иссиқ одеял (жаъми 15 жуфт калиш ва 15 та одеял) тўҳфа қилиб, уларни янги уйҳовлилари билан табриклаб қайтишди.

Қанийди, бошқа савдо ходимлари ҳам Отажон Маҳмудовдан ўрнак олишса.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРЛАР ПОСТИ МИНГБУЛОҚДАН ХАБАР ҚИЛАДИ:

НЕФТЬ ФАВВОРАСИНИ ЖИЛОВЛАШ БОШЛАНДИ

Мингбулоқдаги нефть фаввораси ёқиб, сўнгра жиловлаш энг маъқул йўл эканлиги илгари айтилган эди. Бу борада барча мутахассисларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Куни кеча нефть минорасини олиш жараёнида ўзўзидан ёниш бошланди. Бундай бўлиши илгари кўзда тутилган эди. Шу боис ишларни белгиланган режадагидек амалга оширишга киришилди.

Нефтни ташиш давом этмоқда. Кунига 500 дан ортиқ махсус нефть ташишга мослаштирилган машиналар ҳамда бошқа транспорт машиналари кунига 11 минг тоннадан зиёд нефтни Олтиариқ ва Фарғона нефтни қайта ишлаш корхоналарига етказиб беришмоқда. Ҳозир бу кўрсаткични 15 минг тоннага етказиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Шу билан бир вақтда Мингбулоқ — Оқтош нефть қувурлари линияси қурилиши ҳам жадал борянти. Уни белгиланган муддат — шу ой давомида ишга тушириш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Айни пайтда нефть конида иш олиб бораётган барча соҳа мутахассислари ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар. Жумладан, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги мутахассис ҳамда ишчилари 6 ойда бажарилиши лозим бўлган ишни 10 кун давомида уддасидан чиқишди. Яъни шу қисқа вақт ичида 31 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бошқа вазирликларнинг мутасадди ташкилот ва корхоналари ҳам мана шундай матонат, жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Энг муҳими, фаввора отилиб чиқаётган кундан шу пайтга қадар бирор киши шикастланганги йўқ. Медицина, ўт ўчириш, ички ишлар ходимлари кечаю кундуз ҳушёр туришибди. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир одамнинг саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилган. Айни пайтда белгиланган ишлар бу ерда режадагидек давом этмоқда.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИЯТИНИНГ ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЮЗАСИДАН КЎРАЁТГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР.

УМИДИМ КАТТА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг пахта, цилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини ошириш тўғрисидаги қарори барча қишлоқ меҳнаткашларининг кўнглидаги гап бўлди. Бу бизни янги меҳнат ғалабаларига руҳлантириши турган гап.

Илгари Олтиқисой районидаги «Шакарқамиш» давлат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлардим. Бундан икки йил аввал шу хўжалик директори Чори Худойқулов (ҳозир район ҳокими) менга катта ёрдам кўрсатди. Хўжалик 80 минг сўм қарз берди. Аҳолидан 120 бош ориқ моллар сотиб олдим. Ўша йилиёқ хўжаликка 80 тонна гўшт топширдим. Шу гўштнинг 20 фоизини аҳолига бозордагидан кўра арзонроқ нархга сотдим. Совхоздан олган қарзимдан ҳам қутулдим.

Ўтган йили эса «Истара» совхози билан шартнома туздим. Хўжалик менга озуқа, техникадан ёрдамлашди. Озуқа етиштириш учун 30 гектар ер ажратди. Шу боис хўжаликка 51 тонна гўшт етказиб бердим.

Лекин ҳали ишларимизни янада ривожлантиришимиз учун тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ҳам бор. Масалан, биз чорва молларини қўшни республикалардан олишимизга тўғри келади. Ана шундай пайтларда мол айирбошлаш усули қўл келади. Бинобарин қўшнилар биздан пул ўрнига сабзавот, мева талаб қилишади. Биз эса йўлдаги божхоналардан ўтказиб маҳсулотни уларга етказиб беролмаяпмиз. Бу борада ҳамма учун мақбул йўл ишлаб чиқилса, кўнгилдагидек иш бўларди.

Бозор САТТОРОВ,
Ленин йўли районидаги «Истара» давлат хўжалиги фермери.

ДОИМИЙ МАДАДНИ СЕЗЯПМИЗ

Пенсиянинг энг оз миқдорини аввалгисидан икки юз сўм кўпайтириш ҳақидаги Республика Президентининг фармони уруш ва меҳнат фахрийларини ғоят қувонтирди. Бу фармонни улар кексаларга ғамхўрликнинг яна бир нишонаси деб тушунишди.

Унумли меҳнатдан кейин мириқиб дам олаётган кишилар, айниқса ёлғиз чол ва кампирлар учун бу фармон жонга оро киради. Истиқомат жойидан олинаётган асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўзгармай турган шароитда бу ёрдам салмоқли бўлади. Давлат ва хусусий секторлаги нархлар кўтарилиб кетишига келганда, нарх-навони фақат бозорни моллар билан мўл-кўл таъминлаш билангина пасайтириш мумкин. Ҳамма виждонан меҳнат қилгандагина бунга эришилади. Бирон-бир мўъжиза юз беришини кутиш ёки четдан келадиган ёрдамга умид қилиш керак эмас. Биз иқтисодиётни ўз кучимиз билан юксалтириб, бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли савдо-сотиқни ривожлантириб, шу йўл билангина ҳозирги оғир аҳволдан қутилишимиз мумкин. Бу ишда эса ҳамма нарса куч ва қувватга тўла ёшларимизга боғлиқ. Уларнинг куч ва қобилиятларини намоён этиш учун ҳукуматимиз жуда кўп иш қилаётганини эслатишнинг ҳожати бўлмаса керак. Деҳқонларга ер ажратиб берилмоқда, ишбилармонлик учун йўл очиб қўйилди. Ҳозир маҳсулотлар оз бўлгани учун нарх кўтарилмоқда. Улар кўпайгач, нарх-наво пасайиши шубҳасиз.

Фахрийлар эса Ўзбекистон Президентининг, Олий Кенгаши ва ҳукуматининг доимий мададини сезиб туришибди. Биз ҳам ўзимизнинг бой ҳаётий тажрибамизни, билимимизни ишга солиб, мустақил республикага муносиб ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун қўлимиздан келган ишни қиламиз, ишлаб чиқаришда баҳоли қудрат меҳнатимизни аямаймиз.

Ҳеч ким бадавлат бўлиб туғилмайди. Меҳнат туфайлигина бадавлат бўлиш мумкин.

Б. КЕИПОВ,
Ўзбекистон уруш ва меҳнат фахрийлари иттифоқи кенгашининг масъул котиби.

● БУЮК РУҲИЙ, МАЪНАВИЙ БАЙРАМ — ИЙД-РАМАЗОН КУНИГА БАҒИШЛАНГАН «ГУРУНГ» МУСОҲАБАСИНИ 4-САҲИФАДА ЎҚИЙСИЗ.

ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари театрларининг «Наврўз-92» халқаро фестивали иштирокчилари 3 апрель куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида қабул қилинди. Унда театр арбоблари уюшмаларининг раҳбарлари, машҳур режиссёрлар ва артистлар қатнашдилар.

Шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков Наврўз кунларида ўтказилаётган анжуман театр санъатини ривожлантириш билан бирга халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳам катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади. У шунингдек, меҳмонларга Тошкент ҳокимлиги амалга ошираётган ишлар ҳақида, жумладан, шаҳар кўчаларига қардош республикалар пойтахтлари номини бериш ва уларнинг буюк сиймоларига ҳайкаллар қўйиш режалаштирилаётганлиги тўғрисида гапириб берди.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раиси, халқ артисти Бернора Қориева ва сўзга чиққан бошқа театр арбоблари мустақил республикаларнинг илк бор ижодий учрашуви дўстлик шаҳрида ўтаётгани алоҳида маъно касб этиши, бу тадбир санъат аҳлининг бир-бирини тушунишига, ўрганишига муҳим ҳисса қўшаётганлигини таъкидладилар. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Меҳмонларга эсдалик нишонлари топширилди.

(ЎзА).

● Шу сонга қўшилинчнома

ЕРГА ЧИГИТ ТУШДИ

Фарғона районидаги «Ғалаба» колхозининг Мусажон Мирзажонов бошлиқ жамоа далаларида чигит экила бошланди.

Хўжаликда иш звено пудрати асосида ташкил қилинди. Мавжуд майдон 18 та пахтачилик звеносига бўлиб берилди. Етилган ерларга барака уруғи қадалмоқда. Бу ишда айниқса механизатор Маҳкамбой Қирғизов жонбозлик кўрсатяпти. У ўз агрегати билан ҳар куни 3—4 гектар майдонга «ЭС65—24» навли чигит экмоқда.

— Бригадамизда экиш мавсумини ҳар йилдагидан эрта бошлаганлигимизнинг сабаби шундаки, — дейди жамоа бошлиғи, экин майдонларимиз Шоҳимардон ва Исфайрам сойларининг этак қисмига жойлашган. Бу ерларда айни ҳосил тўплаш чоғида сув тақчил бўлиб қолади. Оқибатда ҳосил туғунчалари тўкилиб кетади. Бу йилги ишимиз ўзини оқлайди, ғўзалар қониб сув ичади, ҳосил сақланишига хизмат қилади деган умиддамиз.

Жамоа пахтакорлари бу йил гектар бошига 22,4 центнердан ҳосил етиштиришни мўлжаллашмоқда.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА БОЗОР

3 апрель куни Тошкентда Ўзбекбирлашув кенгашининг йиғилиши бўлди. Бозор иқтисодиёти шароитида ишни яхшилаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси кооператорларининг биринчи галдаги вазифалари кун тартибидаги асосий масала эди.

Барча тармоқларда ишлаб чиқариш даражаси пасайиб, хўжалик алоқалари узилиш муносабати билан матлубот кооперациясининг зиммасига алоҳида масъулият юклатилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Тармоқ ходимлари ўзларига хос тадбиркорликни ривожлантиришлари, қишлоқ аҳолисига савдо ва маиший хизматни яхшилаш, хилма-хил маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун барча имкониятларни қидириб топишлари зарур. Мол заҳираларини бир марказдан тақсимлаш шароитида улардан кўпроқ олиш мақсади кўзланган бўлса, энди молларнинг 60 фоиздан кўпроғи шартнома нархлари асосида сотиб олинаётган бир пайтда кооператорлар фақат ўзларига ишонишларига тўғри келади. Бозорнинг қонуни мана шундай: сотадиган моли ва керакли молни сотиб олиш учун етарли пули бўлган кишигина ютиб чиқади.

Ўзбекбирлашув кенгашининг йиғилиши ўтган йилги ишларни якунлади, молиявий ва ташкилий масалаларни, жумладан, республика матлубот кооперацияси Низомидаги ўзгариш ва қўшимчаларни муҳокама қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко нутқ сўзлади.

(ЎзА).

• НАРТИЯ АХБОРОТИ

РАЙОН КЕНГАШИ КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Янгиқўрғон район кенгаши Наманган шаҳри тайёрагоҳи ҳудудида «Ҳамкорлик» кичик корхонаси очди.

Корхона районда етиштирилган мева, узум, сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ҳамдўстликнинг бошқа мустақил республикаларига етказиб бериш, улардан эса саноат моллари, қурилиш материаллари олиб келиш билан шуғулланади. Аҳолидан ортиқча маҳсулотларни сотиб олиб, уларни қайта ишлаш, харидорларга етказиб бериш ҳам унинг фаолиятидан ўрин олган.

Корхона фаолиятидан тушган маблағнинг маълум қисми партиянинг район кенгаши ҳисобига ўтказиляпти.

М. ИСМОИЛОВ.

МУВАҚҚАТ ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойидан буён орадан беш ой вақт ўтди. Лекин қайта рўйхатдан ўтган собиқ коммунистлар ҳам, ХДП сафларига янги кириб келган ёшлар ҳам шу чоққача мазкур партияга аъзоликларини тасдиқловчи ҳужжатга эга эмасдилар. Фарғона район партия кенгашида ХДП аъзоларига партия билетлари тайёр бўлгунга қадар сақланадиган муваққат гувоҳномалар бериладиган бўлди. Ана шундай гувоҳномалар яқинда Чимён пахта тайёрлаш пункти ва «Средазгеоминвод» экспедицияси партия ташкилотлари ҳисобида турган ХДП аъзоларига топширилди.

«Чимён» санаторийси, ишчилар таъминоти бўлими ва Чимён матлубот жамиятидаги партия аъзоларига ҳам муваққат гувоҳномалар берилди.

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

«Совпартактив стационари» деб аталиб келган шифохона тез кунларда умумхалқ мулкига айланса ажаб эмас.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4-тиббиёт бошқармаси тугатилгандан бери орадан анча вақт ўтганига қарамай Фарғона район маркази — Водил қишлоғида жойлашган ана шундай шифохонада ҳамон иззатталаб амалдорлар ва уларнинг оила аъзолари даволаниб келаётган эдилар.

Тўғри, республика ҳукуматининг 4-тиббиёт бошқармасига тегишли даволаш-профилактика муассасаларини маҳаллий соғлиқни сақлаш ташкилотлари тасарруфига ўтказиш ҳақидаги қароридан сўнг бу маскан «Меҳнат фахрийлари ва Улуғ Ватан уруши ногиронлари шифохонаси» деб юритила бошланган эди. Бироқ, унинг номи ўзгаргани билан даволанувчилар эса ҳамон ўшалигича қоларди.

Яқинда ушбу масканни марказий шифохона ихтиёрига ўтказиш масаласи навбатдаги очиқ партия йиғилиши муҳокамасига қўйилди. Халқ нойблари вилоят ҳокими Ғ. Фозилов, район кенгашининг раиси К. Икромов номига ёзган мурожаатда ушбу шифохонани ҳамма даволанадиган район марказий касалхонаси ихтиёрига топшириш сўралди.

ХДП район кенгаши ижроия бюросининг мажлиси эса марказий касалхона партия ташкилоти йиғилиши қарори ва ташаббусини маъқуллади. Бюро қарори ХДП вилоят Кенгашига, вилоят ва район ҳокимиятларига жўнатилди.

МЕҲР—МУРУВВАТ ТАДБИРЛАРИ

Бугунги кунда Фарғона район газлаштириш идорасида юзга яқин ишчи ва хизматчи тўла ижтимоий муҳофазага олинган. Партия ташкилотининг ташаббуси билан идора маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси уларга қарийб 60 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Кейинги пайтда биз амалга ошираётган ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий тадбирларнинг барчаси ишчи-хизматчилар манфаатини ҳимоялашга қаратилган, — дейди идора партия ташкилоти котибаси А. Жалолова. — Касаба уюшмаси қўмитасининг қарорига биноан кам иш ҳақи оладиган 90 ходим ўтин ва кўмир сотиб олиш учун икки марта 160 сўмдан ёрдам пули билан таъминланди. 97 кишига тушлик учун 103 сўмдан товон пули берилди. Ишчи-хизматчиларнинг мева-сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида 92 кишига уч юз сўмдан пул тақсимланди. Шу билан бирга ходимларимизга арзон нархларда тўрт килограммдан гўшт сотилди.

Шу кунларда меҳнат жамоасида ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш кўлами янада кенгайган. Январь ойидан ўнлаб оловкорларга бепул тушлик қилиш имтиёзи яратилди. Ҳар бир ходимга бир ойлик маошига тенг ёрдам пули берилди. Ҳозир уларнинг ойлик ўртача иш ҳақи минг сўмни ташкил этмоқда. Бу ўтган йилги даражадан икки баравар кўп.

Партия ташкилотининг ташаббуси билан бошланган одамийлик ва меҳр-мурувват тадбирларини корхона ишчи ва хизматчилари кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Ўтган йили улар Водил, Қўрғонтепа, Новкент, Аввал, Миндонобод, Оқбилол ва Миндон қишлоқларида 22,5 километр масофада газ қувурларини ётқизишган эди. Хонадонларга «зангори олов» улашиш ҳажми тобора кўпайиб бормоқда.

Бу ишларнинг барчаси Ўзбекистон ХДП Дастурида кўзда тутилган мақсадлар доирасида амалга оширилмоқда.

А. ХАЛИЛЖОНОВ.

• ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

ОНА ЭЪЗОЗИ

Республикамиз пойтахтида «Наврўз—92» халқаро театр фестивали давом этмоқда. Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларидан ташриф буюрган театр санъати усталари қувончнга-қувонч қўшилди. Улар кутилмаганда яна бир савобли ишнинг шоҳиди бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари уюшмаси биноси ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда санъат усталарини, халқаро фестивал иштирокчиларини кузатиш мумкин. Бинонинг кўзга кўринарли ерида «Ўзбекистон халқ артисти Тошхон Султонова ижодига бағишланган кўргазма» деган ёзувлар кўзга ташланади. Кўргазма учун учта хона ажратилган бўлиб, моҳир санъаткорнинг ҳаёти ва ижодини ўзида ифода этган 300 дан зиёд экспонат томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Кўргазманинг очилганига саноқли кунлар бўлишига қарамай, таклиф ва мулоҳазалар дафтари дил сўзлари билан бойиб бормоқда.

— Жаннат онанинг оёғи остидадир, — деб ёзади Ўзбекистон халқ артисти, таниқли хонанда Коммуна Исмоилова. — Тошхон аянинг мой-буёқда тасвирга олинган сиймоларини кўриб бағоят таъсирландим. Бунинг боиси бор албатта. Чунки, кўргазмани ташкил этишда Тошхон аянинг ўғиллари, Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасининг директори Рустам Алимовнинг ўзлари бош бўлдилар. Ҳамза номидаги Академик драма театри саҳнасида ажойиб образларни яратган санъаткорнинг турли даврларда, турли ҳолатлардаги тасвири олдида хаёлга чўммай илож йўқ. «Шоҳи сўзана»да Ҳамробиби, «Иймон»да она, «Аяжонларим»да Бўстон, «Отелло»да Эмилия, «Юрак сирлари»да Рўзвон, «Парвона»да Адолат образлари ая тимсолида жонли тасвир этилган.

Бундан ташқари кўргазмада турли даврларда рўзномалар ва жаридаларда аянинг ижодига бағишлаб босилган мақолалар, очерклар ҳамда турли фотосуратлар ўрин олган. Бир сўз билан айтганда кўргазмага кирган киши моҳир санъаткор Тошхон Султоновани яна бир саҳнада кўргандай бўлади.

М. АНВАРОВ.

«МУЛОҚОТ» ҲИММАТИ

«НАВРЎЗ» театр фестивали доирасида Қаршидаги «Мулоқот» театр-студияси маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси ҳомийлигида «Рамазон, Рамазон» театрлаштирилган томошаларини намойиш қилишни бошлади. «Мулоқот» ижодкорлари 10 кун ичида Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида халқни ўз санъатлари билан баҳраманд этадилар, ҳазил ва ҳажвга бой, миллий урф-одатларни ўзида акс эттирган, сермусиқа саҳна томошалари кўча-куй, гузарларда бепул кўрсатилади.

Д. ИСРОИЛОВ.

НОШУКУРЛИК БЎЛМАСИН

НОНИМИЗ—ДАРМОНИМИЗ

Ҳозирги кунда нон увол бўлмаяптимикин, деган хаёлга борамиз. Фарғона шаҳар «Автодормехбаза» ҳайдовчиси И. Мамажонов ва ахлат юкловчи О. Эргашевларнинг сўзларини эшитиб, бу фикрим ҳақлигини чуқурроқ ҳис этгандайман.

— Ўттиз йилдан буён шу ерда ишлайман, — дейди И. Мамажонов. — Ахлатларни машинага юклаётганда юрагим туз сепгандай ачишади. Кўзларимга беихтиёр ёш келади. Ахир, бурда-бурда, ҳатто, яримта ва бутун нонларни ахлатга қўшиш нонкўрлик эмасми? Илгари ахлатдан икки-уч қопдан нон терардик. Афсуски, бундай аҳвол ҳозир ҳам учраяпти.

Нон нархи ошганига, ғалла тилло баравари харид қилинаётганига қарамай кўпчилик ошхонаю касалхоналарда ўзгариш бўлмаяпти. Ҳамон нон исроф бўлмоқда. Бу ўринда ошхона ёки шифохона ходимларини айблашга ҳаққимиз йўқ. Бунга нонни эҳтиёжидан ортиқча олиб, уни қолдириб кетаётган хўрандалар, бир бурда нон билан қорни тўядиган беморга мажбуран нон, озиқ-овқат қолдириб кетаётган кишилар сабабчи деб ўйлайман.

— Илгари нонни ошхона залига қўярдик, — дейди «Дўстлик» меҳмонхонаси қошидаги лағмонхона бош ошпази Нўъмонжон Шералиев. — Хўрандалар хоҳлаганларича олишарди. Ҳаммасини ейишса, бош устига, ош бўлсин. Қаёқда дейсиз? Столларда қолган нонни кўриб, таъбингиз хира бўлиб кетади. Ўша нонларни эртасига бегонага эмас, ўша ушатиб кетган хўрандага беринг-чи, сиз билан ёқалашишгача бориб етади. Исрофгарчиликнинг олдини олиш учун нонни ўзимиз расамади билан бера бошладик. «Тарки одат амри маҳол» деганларидек, баъзилар ортиқча нон талаб қилишяпти. Минг афсуски, уни қолдириш, исроф қилиш ҳоллари ҳамон учраяпти.

Нўъмонжоннинг куюниб гапиришини тинглаб, маҳалламиз ошпази Амирибло ака Мирзаевни эсладим. Тўю маъракаларда ҳалолу пок хизмат қилади. Кўпинча уни кузатаман. Бир қўлида капгир, бир қўлида нон ушоқлари ва бурдаларини териб юради. Баъзиларга унинг бу иши эриш туюлади. Ҳар хил гап қилишади. «Оч қолмагансан, билмайсан, нонинг қадрига етмайсан!» — дея қисқа жавоб қилади уларга. Бир куни у билан гаплашиб қолдим.

— Ўн икки-ўн уч ёшларда эдим, — дейди узоқ ўйга толган А. Мирзаев. — Катталар урушга кетган, дала ишлари асосан, биз ёшларга ва хотин-қизларга қолган. Қўш ҳайдардим. Бўйим қўшга зўрға етарди. Яримта нону бир коса ёвғон учун кечаси ўн икки, ҳатто, иккиларгача ишлардик. Эсимда, бир қишни шолғом билан ўтказганмиз. Ҳафтада бир, икки марта арпа ёки маккажўхори унидан тайёрланган атала оғзимизга тегса тегарди, тегмаса йўқ.

Суҳбатдошимнинг ўз аматиёрланмоқда.

Бир қатор цехларда иш уч сменада ташкил этилган. Бу эса савдо шоҳобчаларига ҳар куни 20 минг дона нон етказиш имконини беряпти.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-навонинг ошиб кетиши комбинат маъмуриятидан тадбиркорлик билан иш юритишни, ички имкониятлардан оқилона фойдаланишни талаб этмоқда. Айни пайтда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш ҳам зарур бўлиб қоляпти.

Корхонада ҳар бир ишчининг ойлик маошига овқатланиш учун 80 сўм ёрдам пули тўланяпти. Қиш олдидан жамоа аҳли 40 тонна пиёз, 50 тонна картошка, 10 тонна пахта ёғи билан таъминланди. Наврўз байрами арафасида эса корхонага тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб тарқатилди. Хуллас, ҳар бир ишчи-ходимнинг яхши яшаши ва ишлаши учун имкониятлар яратиляпти. Бинобарин, бундай ғамхўрлик комбинат жамоасининг барқарор ишлашига ёрдам бермоқда.

Суратда: смена устаси Муаззамхон Абдувалиева тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга жўнатишга ҳозирламоқда.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

БАРҚАРОРЛИК ШАРТИ

Фарғона вилояти. Қўқон нон маҳсулотлари комбинатининг эски цехи ўрнида француз батонлари ишлаб чиқарадиган замонавий цех ишга туширилди. Мазкур цех Германиянинг «Винклер» фирмасидан келтирилган ускуналар билан жиҳозланди. Ишчилар (улар сотувчи билан бирга 6 киши) янги технологияни тезда ўзлаштириб олишди. Ҳозир бу ерда суткасига 3—4 тоннадан зиёд хушта ъм нон маҳсулотлари

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

КОНГРЕССГА МУРОЖААТ

● АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Россияга ва бошқа собиқ совет республикаларига ёрдам бериш тўғрисидаги янги дастури кенг шархланмоқда.

АҚШнинг уч собиқ Президенти — Р. Никсон, Ж. Форд ва Ж. Картер конгрессга мурожаат этишди. Улар Америка маъмуриятининг бошлиғи дастурини қўллаб-қувватлашга қатъият билан даъват қилдилар.

Собиқ Президентлар, шунингдек, АҚШ конгресси вакиллар палатаси спикери Т. Фоли номига мактуб йўллашди. Ж. Бушнинг халқаро валюта жамғармасига АҚШ қўшадиган ҳиссанинг 12 миллиард доллар миқдорида кўпайтириш тўғрисидаги қарори юқори баҳоланади.

ВАЗИР САФАРИ

● Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев собиқ совет республикалари бўйлаб сафарга чиқди.

Вазир Кавказдаги уч давлатда бўлади. Кейинчалик у Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистонга ташриф буюради. Режа бўйича 10 апрель куни Москвага қайтиб келмоқчи.

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

● Афғонистон Республикаси президенти Нажибулло мусулмонлар байрами — Ийд — ал — фитр муносабати билан халққа мурожаат қилди.

Президент ўз мурожаатида афғонлар масаласини ҳал этишда янги амалий босқич бошланганлигини таъкидлади. Ҳукумат ўз диёрида тинчлик ўрнатиш жараёнини жадаллаштиришга интилади, деди у.

Нажибулло шунингдек, БМТ бош котибининг Афғонистондаги шахсий вакилига билдирган таклифини ҳам айтиб ўтди. Унда ҳукумат қўшинлари билан мужоҳидлар ўртасидаги уруш ҳаракатларини қисқа муддат тўхтатиб туришни эълон қилиниши айтилади.

ЯҚИН ШАРҚҚА БАҒИШЛАБ

● АҚШ давлат департаменти Яқин Шарқдаги аҳволни тинч бартараф этишга бағишланган Араб-Исроил навбатдаги учрашуви Вашингтонда 27 апрель кунн бошланиши расмий равишда эълон қилинди.

Бу хусусда Яқин Шарқ минтақасида тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги «Икки томонлама музокаранинг барча қатнашчилари»дан розилик олинганлиги таъкидлаб ўтилади.

ҲУКУМАТ ҚАРОРИ

● Япония ҳукумат делегацияси Ленинград атом электр станциясида рўй берган фалокат тафсилотларини ўрганиш учун Россияга жўнаб кетди.

Мамлакат Вазирлар Маҳкамаси бош котиби Които Тато шу ҳақда журналистларга маълум қилди.

Японияликлар Россия мутахассислари билан бир ҳафта давомида кўриладиган чора-тадбирларни муҳокама этишади.

ОИЛИК ҚАНЧА

● Москвада ўртача ойлик 1246 сўмни ташкил этмоқда.

Энг кўп ойлик кооперативларда (ўртача 3721 сўм) тўланмоқда. Хусусий корхоналарда ойлик 3095 сўм, давлат суғурта ташкилотларида 2279 сўмни ташкил этмоқда. Энг кам миқдорда ойлик соғлиқни сақлаш (774 сўм). халқ таълими муассасаларида (898 сўм), қурилиш хизмати бўлинмаларида (952 сўм) тўланаётир.

(Жаҳон агентликлари ва рўзнома хабарлари асосида тайёрланди).

Янгиликлар, Воқеалар.

НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

Республикамизга Наврўзи олам кириб келганига қарийб икки ҳафта бўлди. Шундан бери серқуёш ўлкамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида байрам тантаналари давом этмоқда. Байрамнинг сермазмун ва кўтаринки руҳда ўтиши республика Вазирлар Маҳкамасида тузилган комитет саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқ бўлди.

Байрам арафасида «Мустақиллик, тинчлик, меҳр-мурувват» шиори остида наврўз шанбалиги ўтказилди. Бунда катта кўламда ободончилик ишлари олиб борилди. Янги дарахтзорлар бунёд этилди. Кўплаб тераклар ўтказилди. Мевали дарахт кўчатлари экишга айниқса катта аҳамият берилди. Халқимиз нақадар саховатли, меҳр-оқибатли эканлигини исботлади. Боқувчисиз қариялар, муҳтож оилалар, ногиронлар ва етим-есирлар уларнинг мурувватидан баҳраманд бўлдилар. Туркиядан ва бошқа хорижий мамлакатлардан юборилган беғараз ёрдам ҳам уларга байрам совғаси сифатида тарқатилди.

21 март куни республикамиз пойтахти ва барча вилоятларда байрам тантаналари зўр шодлик билан ўтди. Мустақил республикамизнинг илк баҳори ўзгача маъно, ўзгача шакл касб этди, тантана иштирокчилари ва миллионлаб телетомошабинлар Наврўз айёми халқлар дўстлиги байрамига айланиб кетганлигининг гувоҳи бўлдилар. Бу Тошкентдаги Ўзбекистон Миллий боғида уюштирилган тадбирлар мисолида айниқса яққол намоён бўлди. Байрамнинг бадиий қисми кенг кўламда ўтди. Миллий урф-одатларимиз ва маросимларни ифодаловчи томошалар, маҳаллалар вакилларининг чиқишлари байрам ҳуснига-ҳусн қўшди.

«Наврўз» жамғармаси ўтказган ва бир кеча-кундуздан ортиқ узлуксиз давом этган телемарафон олдинги йиллардагига нисбатан анча мазмунли ва таъсирчан ўтди.

Ташкилий комитет аъзолари куни кеча амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилгани тўпланишди. Йиғилишни комитет раиси, республика Бош вазирининг ўринбосари Эркин Самандаров олиб борди.

Йиғилишда Наврўз байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларга якун ясалди. Сўзга чиққанлар умумхалқ байрами кутилганидан ҳам зиёда ва уюшқоқлик билан ўтганини таъкидладилар. Бу галги байрамда миллий марказларнинг ҳам иштирок этиши тантаналарга алоҳида файз киритди. Республика Алоқа, Савдо, Маданият ишлари вазирликлари, Ёшлар Иттифоқи, Ички ишлар вазирлигининг ходимлари умумхалқ байрамининг кўнгилдагидек ўтишини таъминладилар. Ютуқлар заминида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш байрам тантаналарини қизиқарли ва сермазмунли ўтказишга катта ҳисса қўшган кишиларни тақдирлаш, ўз шахсий жамғармасидан саховатпешалик қилганларни маънавий рағбатлантиришга қарор қилди. 25 апрель куни Наврўз тантаналарининг руҳи мужассамлаштирилган якунловчи кеча ўтказиладиган бўлди. «Наврўз» фаоллари кечаси» деб номланадиган бу тадбирда байрам муносабати билан тақдирланган кишиларнинг исми-шарифлари маълум қилинади, катта концерт кўрсатилади.

Ташкилий комитет қарорига биноан «Наврўз» хайрия жамғармаси фаолиятини кенгайтириб, у йил давомида ишлайдиган ва навбатдаги Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш билан шуғулланувчи ташкилотга айлантириладиган бўлди.

(ЎзА мухбири).

ТАДБИРКОР ЮТҚАЗМАЙДИ

● Зарбдор районн пахтакорлари чигит экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Пахта етиштириладиган майдонларни текислаш, бороналаш, суғориш, ариқларни мавсумга тайёрлаш борасида «Тараққиёт» давлат хўжалиги, айниқса, фаоллик кўрсатмоқда.

Хўжаликда беда, сабзавот экиш ишлари ҳам ўз муддатида амалга оширилаётир. 624 гектар ердаги эски беда тўлиқ озиқлантирилиб, дориланди. Шу кунгача сабзавотчилар режада кўзда тутилган жами 175 гектар ернинг 130 гектарига эртаки сабзавот экиб бўлдилар.

— Хўжаликлар устахоналарида экиш техникасининг мавсумга тайёргарлик ҳолати қайта назоратдан ўтказилаётир, — дейди район деҳқончилик-саноат бирлашмаси бошлиғи Қудрат Нишонов. — Айтиш мумкинки, мавжуд 151 сеялканинг барчаси сифатли таъмирланган. 412 та ҳайдов ва 311 та ер текислайдиган тракторларнинг қарийб ҳаммаси мавсумга тайёр. Барча хўжаликларда экиш учун чигит, сабзавот, полиз экинлари уруғликлари етарли. Фақат картошка экиш учун уруғлик муаммоси ҳал бўлмай турибди, холос.

Эҳтиёт қисмларнинг ўта тақчиллигига қарамасдан районда қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлашда тадбиркорлик кўрсатилиб, мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланилмоқда. Муҳими, техникага қаров яхши. Механизаторлар уни асраб-авайлашяпти.

Райондаги «Ниҳол» давлат хўжалиги «Жиззах чўл қурилиш» бошқармасига қарашли барча корхона ва ташкилотларга кўчат етказиб бериш учун ихтисослаштирилган. Бу ерда ижарачи боғбон, Ўзбекистон ХДП аъзоси Мирза Сулаймонов 60 гектар майдондаги кўчат ва гуллар парваришига масъул. Хўжалик ташкил этилганига эндигина икки йил бўлган бўлсада, унинг кичик корхонаси ҳам мавжуд. Бу ерда эшик, дераза, хонтахталар тайёрланади.

Районда жумҳурият Президентининг қишлоқдаги ҳар бир оилани ғалла билан таъминлаш борасидаги фармонини бажариш, аҳоли чорвачилиги учун озуқа етиштириш тадбирлари ҳам кўрилаётир. Бу йил 3 минг 655 гектар майдонда беда, бир минг 760 гектар ерда эса суғориладиган ғалла етиштириляпти. Минг гектар ердаги арпа ҳам бўй чўзиб қолди.

Б. САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ШИФОКОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992 ЙИЛ УЧУН

АСПИРАНТУРА ВА КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА

қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРАГА:

Кундузги: акушерлик ва гинекология (2), болалар асаб касаллиги (1); болалар касаллиги (2); ички касалликлар (2); ўпка касаллиги (1); онкология (1); гематология ва трансфузиология (1).

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА:

акушерлик ва гинекология (3); асаб касалликлари (1); болалар касаллиги (2); ички касалликлар (2); ўпка касаллиги (1); онкология (1); оториноларингология (1); жарроҳлик касалликлари (2); стоматология (1); травматология ва ортопедия (1); болалар стоматологияси (1); кўз касалликлари (1); неонатология (1); эндокринология (1); рефлексотерапия (1); тез тиббий ёрдам (1); клиник лаборатория диагностикаси (1); гематология ва трансфузиология (1); асбоб-ускуналар воситасидаги диагностика (1); юқумли касалликлар (1).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700007, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 51-уй. Аспирантура ва клиник ординатура бўлими.

• ЭРТАГА—ГЕОЛОГЛАР КУНИ

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

●Тўғрисини айтиш керак: ҳозирги иқтисодий танглик шароитида халқ хўжалигининг у ёки бу тармоғида байрам ўтказиш ноўриндек туюлади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳайъати эски анъанани сақлаб қолишга, яъни шу йил апрель ойининг дастлабки якшанбасида Геологлар кунини байрам сифатида нишонлашга қарор қилди.

Хўш, бунинг сабаблари нимада! Биз ушбу саволга жавоб беришни сўраб, ҳайъат аъзоси, республика геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Р. АБДУРАҲМОНОВга мурожаат этдик.

— Биласизми, бу йил тармоқда касб кунини нишонлашнинг алоҳида сабаблари бор, — дейди у. — Аввало, бу байрам жумҳурият мустақиллиги эълон қилинганидан кейинги биринчи Наврўз баҳорида ўтаяпти. Иккинчидан, Наврўз арафасида геологлар яна бир муҳим ютуққа эришишди. Наманган вилоятининг Мингбулоқ қишлоғида йирик нефть кони топилди.

Бундан ташқари, геология-қидирув ходимлари ўтган йилги давлат буюртмаларини ҳам ошириб бажаришди. Бешта янги нефть ва газ конлари очилди. Саритоғ ва Марказий Қизилқумдаги Саутбой-вольфрам конлари қазилма имкониятлари аниқланди. Чет эллар билан ер ости бойликларини қайта ишлашда ҳамкорлик қилиш сари дастлабки қадамлар қўйилди. Хуллас, геологларнинг хайрли ташвишлари кўпайиб, бу касб куни қўшалоқ байрамга айланадиган бўлди.

Мутахассисларимиз фойдали қазилмаларнинг асосий турлари кейинги асрнинг иккинчи ярмигача саноатда етакчилик ролини сақлаб қолади, дейишмоқда. Шу таҳминларга асосланган ҳолда тармоқ ходимлари ўз фаолият йўналишларини белгилаб олишаяпти. Яъни ер ости бойликлари қазиб чиқаришни тегишли миқдорда кўпайтириш, четдан ўзимизда бор бўлган минерал хом ашё маҳсулотлари келтиришдан воз кечиб, иқтисодий мустақилликка эришиш чоралари кўрилмоқда.

— Ўтган йили тармоқ учун оғир синов йили бўлди. Геологлар синовдан муваффақиятли ўтишди. Менимча, бунда тармоқ ишчи-мутахассис ходимларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги қўл келди шекилли...

— Тўғри айтдингиз. Аслини олганда ҳозирги шароитда барча соҳалар, жумладан геология тармоғида ҳам қийинчиликлар кўп. Лекин биз ҳамжиҳатлик билан имконият излаб, муаммоларни ҳал этишга интиляпмиз. Ўзбекистон геология хизматининг ўтган 65 йиллик фаолиятида 2500 дан зиёд рангли, қимматбаҳо, радиоактив ва қора металл конлари, ёқилғи-энергетика, маъдан конлари, қурилиш материаллари, минерал ва ер ости сув манбалари топилди.

Бугунги кунда республикамиз олтин, кумуш, мис заҳиралари бўйича жаҳондаги биринчи ўнлик мамлакатлари қаторига киради. Мустақил ҳамдўстлик давлатлари ичида олтин қазиб олиш бўйича иккинчи, кумуш, мис ва табиий газ қазиб чиқариш бўйича учинчи ўринларни эгаллайди. Жаҳон бозори нархларида Ўзбекистондаги фойдали қазилма конларининг умумий баҳоси анча юқори.

Амалдаги минерал хом ашё базаси жумҳурият саноатининг барқарор ишлашини таъминлабгина қолмасдан, унинг қувватларини ошириш имконини ҳам беради. Бу ҳозирги пайтда, албатта, жуда муҳим омилдир.

Ўзбекистон барча геология тизилмаларининг ўтган йили февраль ойида геология ва минерал ресурслар бўйича давлат қўмитасига бирлаштирилиши ҳам тармоқнинг ривожланишига туртки берди. «Ўзбекгеология» бош геология-мувофиқлаштириш бошқармаси, «Краснохолмскгеология» давлат ташлаш цехлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Средазкварцсамоцвети» экспедицияси қўмита таркибига киритилди. Бу эса тармоқни самарали бошқариш имконини берди.

Бинобарин, жумҳурият геологлари илгаригидек фақат хом ашё қидирмасдан, уни қазиб чиқариш билан ҳам шуғуллана бошлашди. Ҳозирги пайтда геология ташкилотларида олтин ва қоплама тошлар қазиб олувчи ҳамда қайта ишловчи учта кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Еттита нефть қазиш ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш цехлари ишлаб турибди.

Маълумки, геология тизилмалари сиёсий чегараларни билмайди. Дейлик, кўпгина конлар бир йўла бир неча қўшни жумҳуриятлар ҳудудларида жойлашган бўлиши мумкин. Собиқ Иттифоқ Геология вазирлигининг тугатилиши муносабати билан жумҳуриятлараро тармоқ ходимлари ўртасидаги алоқалар узилиб кетмадими?

— Бундай ҳол 1991 йилнинг бошларида кўзга ташланган эди. Лекин декабрь ойида Ўзбекистоннинг ташаббуси билан Тошкентда Ўрта Осиё давлатлари тармоқ раҳбарларининг кенгаши ўтказилди. Унда геология муаммоларини ҳал қилиш бўйича ҳамкорликдаги фаолият дастурлари ишлаб чиқилди. Минтақа бойликларини ўрганиш мақсадида геология хизматини мувофиқлаштириш кенгаши тузилди.

Эндиликда биз хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатяпмиз. Масалан, «Ўзбекгидрогеология» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Афғонистон Саноат ва кон ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этди. Ушбу корхона ҳозирги пайтда шимолий Афғонистондаги чучук сув манбаларини излаш ва фойдаланишга топшириш ишлари билан шуғулланмоқда.

Хитой Халқ Республикасининг Шинжонь-уйғур мухтор райони ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ўртасида мис излаш тадқиқотлари бўйича дастур тузилиб, тегишли шартнома имзоланди. Бундан ташқари, АҚШнинг «Ньюмонт майнинг корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда ўзбек геологлари Мурунтов конидаги чиқиндиларни қайта ишлаш эвазига олтин ажратиб олиш тўғрисида битимга келишилди. Тахминий ҳисобларга кўра, бу ерда йилига 10 тоннадан зиёд қимматбаҳо металл ишлаб чиқаришга эришиш кўзда тутилмоқда.

Яқинда халқимиз бошига яна бахт қуши қўнди. Мингбулоқда йирик нефть кони топилди. Ҳозир кондан фаввора бўлиб отилаётган «қора олтин»ни тизгинлаш чоралари кўриляпти. Бу ишда Американинг «Стен Корнелиус» консорциумининг тажрибали мутахассислари билан маслаҳатлашиб иш кўрмоқдамиз. Ўйлаймизки, нефть фавворaси геологлар изига бўйсундирилса, бу соҳадаги ишларимиз ҳам юришиб кетади.

Суҳбатдош
Н. ИВАШКЕВИЧ.

Тошкент
Рамазон Хайитингиз муборак бўлсин, ҳурматли ҳамшаҳарлар!
Тошкент "Бирлаши"

6, душанба

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Осмон инъоми». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Самарқанд вилояти Челак ноҳияси «Чинор» халқ ашула ансамблининг концерти. 19.50 «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Хулкар». 22.00 «Экран таништиради».

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Совға». 18.50 «Ассалому алайкум». 19.50 «Хива». 20.00 «Лаҳза». 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Дилдаги гаплар». 21.50 «Лаҳза». 22.00 «Ун учинчига ўтар кечаси». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.15 «Янги авлод танлайди». 9.05 Концерт. 10.05 Телефильмлар. 11.00 Янгиликлар. 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Бу бўлган, бўлганди...». 14.45 «Кичик илтифот». Бадиий фильм. 16.00 Мультипанорама. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Футбол шарҳи. 17.50 «НЭП». 18.20 «Гапирадиган тўти». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Янги студия» таништиради. 22.15 И. Ильинский иштирокида концерт. 22.40 Телефильм. 23.00 Янгиликлар. 23.40 Кўплаб мусиқалар.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.20 Итальян тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 «Севганингдан айрилма». Бадиий фильм. 10.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 10.55 Россия Федерацияси халқ депутатлари олтинчи съездининг очилиши.

14.45 Болалар соати. 15.45 Америка футболи бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. 16.15 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.30 Спорт хабарлари. 16.40 Ишдан бўш пайтингизда. 17.00 Хабарлар. 17.20 Трансросэфир. 17.50 «Россия билан юзма-юз». 18.10 «Санта-Барбара». 19.00 «Ҳар бир кун байрам». 19.10 «Ғарб бизга ёрдам берадими?». 19.25 «Бешинчи ғилдирак». 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.25 «Бенефис» хотирлайди...

7, сешанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Саодатли санъат сайёралари». 9.05 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм, 1-, 2-сериялар. 11.05 «Ёшлик».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Гуллоладан жамалак». 18.40 «Тадбиркорлар». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Сиҳат-саломатлик». 19.55 Спортлото. 20.00 Замира Қулабдуллаева ва Дониёр Тошмуҳамедовлар концерти. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Мулоҳаза». Ҳамза номли театрдан «Соҳибқирон Темур» спектаклининг саҳналаштирилиши ҳақида. 21.40 «Қора ўқ». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Информатика. 11.00 «Баҳорнинг сўнгги дамлари». 11.30 Тасвирий санъат.

18.30 Болалар учун фильм. «Уй театри». 18.50 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада». 19.30 «Суҳбатга таклиф этамиз». 20.30 «Бу оқшомда». 22.00 «Қалбим ардоғи...». Аёл ҳаётидан бир неча лавҳа. 1-қисм. 22.40 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.00 «Гапирадиган тўти». Бадиий фильм. 9.30 «Салом, Ольга! Хелло, Ольга!». 10.30 Футбол шаҳри. 11.00 Янгиликлар. 11.20 Ритмик гимнастика. 11.50 «Инсон институти». 12.30 «Фермата». 12.55 «Номаълум тилла». 13.50 Мультфильм. 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Спорт ва бошқа нарсалар ҳақида». 14.45 «Сенинг ҳақингда». Бадиий фильм. 16.10 «Болалар мусиқий клуби». 17.00 Янгиликлар. 17.25 Мультфильм. 17.45 «КВН»нинг учинчи фестивали. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. 22.00 «Фермата». 22.25 «Ҳужжат». 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Қон эвазига ислоҳот». 00.20 «Миллион учун уикэнд». Бадиий фильм. 01.35 «Овозли йўлка». 02.05 «Лимпопо». 02.35 «Сен ҳақингда». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Трансросэфир. «Урал-ТВ». 8.05 Француз тили. 8.35 Ишдан бўш пайтингизда. 8.50 Болалар соати. 9.50 «Оқ қарға». 10.40 Рақс марафони. 11.15 «Осмон ерга туташган жойда». Бадиий фильм. 12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала. 14.45 Мураккаб ёш. (Арт-зона). 15.15 «Простор+». 15.50 Съезд кундалиги. 16.10 «Шимол байрами». 16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.00 Хабарлар. 17.20 «Санта-Барбара». 18.10 «Исроил ҳақида тушлар». 19.00 Трансросэфир. «Салом, Светлана Игоревна». 19.40 Ишдан бўш пайтингизда. 19.55 «Ҳар бир кун байрам». 20.05 «Ҳақиқат онлари». 21.00 Хабарлар. 21.25 Россия Федерацияси халқ депутатлари олтинчи съездида.

8, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Бухороча эртак». 9.00 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм. 10.20 «Ёшлик».

16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Шаҳрихончи» (Андижон). Репортаж. Танаффус пайтида — манзарали фильмлар. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Озодлик обидаси қандай бўлади?». 18.45 «Тадбиркорлар ҳузурида». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Тижорат канали. 19.45 «Ёшлик» оқшоми. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Иқтисод ва истиқлол». 21.30 Телеминатюралар театри. 22.15 «Нодир шахс». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Жуғрофия. 11.00 «Бозор ва кооперация». 11.30 «Келажагимиз мактабда».

18.30 «Уолт Дисней таништиради». 19.20 «Дўстлар учрашганда». 20.00 «Спринт». 20.20 «Зудов, ишдан бўшатилдингиз». Бадиий фильм. 21.40 «Эл тинчлиги йўлида». 22.10 «Қалбим ардоғи...». Аёл ҳаётидан бир неча лавҳа. 2-қисм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильм. 7.45 «Болалар мусиқий клуби». 8.35 «Суқрот». Бадиий фильм, 1-серия. 9.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. 11.00 Янгиликлар. 11.25 «Тоғлар садоси». 11.45 «Пи» белгиси билан. 12.35 Мультфильмлар. 12.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Михаил Ромадиннинг мистериялари ва воқелиги». 14.55 «Айя». Бадиий фильм, 1-серия. 16.00 Дианна Росс. «Сийқаси чиққунча ишлаб». 17.00 Янгиликлар. 17.25 «Ор-номус суди». 18.15 Мультфильмлар. 18.40 «Суқрот». Бадиий фильм, 1-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Останкино»да хит-парад. 21.55 «Қон эвазига ислоҳот». 22.35 Мусиқий башорат. 23.00 Янгиликлар. 23.40 Футбол. Уэмбли йўлида. 00.40 «Айя». Бадиий фильм, 1-серия. 01.50 Футбол. Россия чемпионати.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Ҳужжатли панорама. 8.00 Немис тили. 8.30 Ишдан бўш пайтингизда. 8.45 Россиянинг телевизион театри. 10.50 Мураккаб ёш. «Арт-зона». 11.20 «Экстро» студияси. 12.00 «Одессада қандай дафн этишади?». 12.10 Джаз-клуб. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

15.40 «Конверсия: Урал имкониятлари». 16.10 «Давлат ва шахс». 16.40 Съезд кундалиги. 17.00 Хабарлар. 17.20 Трансросэфир. 18.15 Христианлар учун кўрсатув. 18.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 19.00 Ишдан бўш пайтингизда. 19.15 «Ҳар бир кун байрам». 19.25 Махсус тижорат хабарномаси. 19.35 Мультфильм. 20.00 Футбол бўйича Россия чемпионати. 21.00 Хабарлар. 21.50 «Маҳбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм. 23.00 Кичик мусиқий кечалар. 23.40 Россия Федерацияси халқ депутатлари олтинчи съездида.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

6—12 АПРЕЛЬ

9, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». 8.55 «Чўнтакдаги қуёш». Бадиий фильм. 10.05 «Ёшлик».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Гулмира рақсга тушади». 18.35 «Ёшлик». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Сафарга отланганда». 19.40 «Инсон ва қонун». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув. 21.35 Азиз Несин. Ҳажвий новеллалар. 1-қисм. 22.45 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм. (Ҳиндистон). 1-серия.

● ЎзТВ II

10.30 Ботаника. 11.00 «Ноқулай одам». 11.30 Табиатшунослик. 12.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Чи-сен».

18.30 Телефильм. 18.40 «Бизнинг интервью». 19.00 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 Биржа янгиликлари. 21.55 «Пульс». 22.05 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильм. 7.55 «Миллион учун уикэнд». Бадиий фильм. 9.10 От спорти. 9.55 «Суқрот». Бадиий фильм, 2-серия. 11.00 Янгиликлар. 11.25 «Қайси юлдузларга учамиз?». 12.40 «Ён дафтар». 12.45 «Телемикст». 13.30 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Айя». Бадиий фильм, 2-серия. 15.55 «Петька космосда». Бадиий фильм. 17.00 Янгиликлар. 17.25 «Бир бола яшаган экан». 17.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 Мультфильм. 18.40 «Суқрот». Бадиий фильм, 2-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!. 20.00 Янгиликлар. 20.25 Марк Захаров мовизмлари. 21.40 «Веди». 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Кальваршоу». Мусиқий кўрсатув. 00.25 «Айя». Бадиий фильм, 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Испан тили. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. 8.05 Трансросэфир. 8.35 «К-2» таништиради. «Коронка», «Гувоҳлар ҳузурида», «САС», «Йўлдан урувчи». Бадиий фильм. 12.05 «Даъвосиз суҳбат». 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.40 Трансросэфир. 14.30 «Репортёр» студияси. 14.40 Съезд кундалиги. 15.00 «Терминал». 15.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 15.45 «Очиқ дунё». 16.25 Ишдан бўш пайтингизда. 16.40 Россия энциклопедияси. 17.00 Хабарлар. 17.30 «Бешинчи ғилдирак» 19.00 Россия Федерацияси халқ депутатлари олтинчи съездида. 19.55 Жаҳон бозорининг калити. 20.25 «Ҳар бир кун байрам». 20.40 «Экспоцентр» таништиради... 21.00 Хабарлар. 21.25 Россия Федерацияси халқ депутатлари олтинчи съездида. 22.30 «Арт-обстрел».

10, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 Телефильмлар. 8.55 «Шаҳар чеккасида». Бадиий фильм 10.10 «Ёшлик». 11.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор—79»—«Нефтчи» (Фарғона).

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Тикланиш йўлида» 19.40 «Унутилмас сатрлар». Муҳаммад Феруз. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Биржа янгиликлари. 21.10 Мумтоз куйлардан концерт. 21.55 Азиз Несин. Ҳажвий новеллалар. 2-қисм. 23.05 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ II

17.05 **АШХОБОД КЎРСАТАДИ**

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильм. 8.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 8.55 Марк Захаровнинг мовизмлари. 10.10 Мультфильм. 10.30 «Чашмалар». 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби». 12.10 «Спорт ҳамма учун». 12.40 «Кубанча тўй». 13.15 «Ён дафтар». 13.20 «Бридж». 13.45 «Бизнес-класс». 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Гармонь». 14.35 «Бемеҳр». Бадиий фильм. 16.00 Концерт.

17.00 Янгиликлар. 17.25 «Инсон ва қонун». 18.05 «Леннебергли Эмил». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 18.30 «Салом Наврўз!». Ўзбекистонда Наврўз байрамининг ўтказилиши ҳақида телефильм премьераси. 18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «ВИД» таништиради. (Танаффус пайтида — 23.00 Янгиликлар). 00.20 «Рақслар, рақслар, рақслар». 00.50 Ҳамсуҳбатингиз Николай Сличенко.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.20 Инглиз тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 «Терминал». 9.15 «Гувоҳлар ҳузурида юзма-юз». 10.00 «XX аср кадрда ва қадр ортида». 10.55 «Масхарабоз». Бадиий фильм. 12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

15.55 «Биринчи тайм». 16.20 Трансросэфир. 17.00 Хабарлар. 17.20 Съезд кундалиги. 17.35 «Простор+». 18.05 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.20 «Қачонгача». 19.00 «Версия». 19.15 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 Актёрлар тунги клуби. 21.00 Хабарлар. 21.20 Россия Федерацияси халқ депутатлари олтинчи съездида. 23.20 «Пепси стилида мусиқа».

11, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.30 «Экран зийнати». 10.45 «Чигит экиш — биринчи иштиҳо». 11.15 «Эл хизматида». 11.45 «Ёшлик». 13.45 «Китоб ва ҳаёт». 14.20 Тижорат канали. 14.45 «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.

18.00 Мультфильм. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Инглиз тили. 19.50 «Кино жавонидан». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Тижорат хабарлари. 21.05 «Хотира». О. Эшонов. 21.25 «Гуҳа». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.00 **ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ**

● «ОРБИТА IV»

6.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.35 Мультфильм. 8.00 Эрталабки дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Вабо». 9.15 «Марказ». 10.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 11.15 «ЭХ». Экологик хроника. 11.30 Рус мусиқаси антологияси. 12.10 «Китобхона». 13.00 Янгиликлар. 13.20 Ф. Слидовкер ва А. Тафлнинг фильм-балетлари. 13.50 «Илҳом париси». 14.20 «Қизил империя». Кўп серияли телефильм премьераси. 1-фильм. 15.20 Мультфильм. 16.20 «Қизил квадрат». 17.00 «Майя ариси». 17.35 «Ҳайвонот оламида». 18.20 «Кетишни исташмайди». Бадиий фильм, 1-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Кетишни исташмайди». Бадиий фильм, 2-серия. 21.50 «Брэйн ринг». 22.45 Халқ куйлари. 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун. 00.20 «Беҳаловат уч кун». «Деррик» сериясидан телевизион бадиий фильм. (Германия).

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 «Сиз яратган бог». 7.50 Ҳаёт кузи. 8.00 Баскетбол шарҳи. 8.30 «Ёпиқ Третьяков галереяси бўйлаб саёҳат». 9.30 «03» кўрсатуви. 10.00 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. 10.30 «Сиҳат-саломатлик этикаси». 11.00 Россиянинг телевизион театри. А. Куприн. «Гамбринус». «Никита дарвозалари» олдида театрининг спектакль-мюзикли.

13.15 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

17.00 Хабарлар. 17.20 «Миллионер аёл». Бадиий фильм. 18.55 Россия Федерацияси халқ депутатлари олтинчи съездида. 19.45 «Ҳар бир кун байрам». 19.55 «К-2» таништиради. 21.00 Хабарлар. 21.25 Россия Федерацияси халқ депутатлари олтинчи съездида. 22.35 «К-2» таниширади.

12, якшанба

КОСМОНАВТЛАР КУНИ

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Биргаликда куйлаймиз». 9.00 «Космонавт Владимир Жонибеков». 9.30 Араб тили. 10.00 «Болалар». 12.00 «Деҳқон хўжаликларида». 12.30 «Мўйқалам соҳиблари». 13.00 Спорт кўрсатувлари. 14.00 «Кўчат экиб, боғ яратинг». 14.45 «Халқ ижодиёти». «Бодом гуллари» танлови ғолибларининг концерти.

18.00 «Санъат ғунчалари». 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Баҳор гулдастаси. 19.50 «Мультипанорама». 20.30 «Ўзбекистон». 21.00 Тижорат хабарлари. 21.05 Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов ижросида янги қўшиқлар. 21.45 Экранда — кинокомедия. «Кавказ асираси». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.00 ДУШАНБЕ

● «ОРБИТА IV»

6.00 Руҳни чиниқтириш. 7.00 «Спортлото». 7.15 «Кубинкада авиа томошалари». 8.15 «Эрта саҳарлаб». 8.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.25 «Тонг юлдузи». 10.15 «Камалак». Халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. 10.35 «Пи» белгиси билан. 11.05 «Авиакосмик салон». 11.35 «Марафон-15». 12.35 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Саёҳатчилар клуби». 15.15 «Уолт Дисней таништиради...». 16.05 «ТВ-Нева». Ким биз билан?». 16.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 17.00 Ҳужжатли фильмлар. 17.20 «Панорама». 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Телелоция». 18.25 «Одаматонинг қовурғаси». Бадиий фильм. 19.45 «Театр + TV». 21.00 «Якунлар». 21.45 «Мендан эмас худодан сўра». 22.45 Н. Паганини асарларидан концерт. 23.00 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун. 23.40 «Астра» таништиради. 00.35 Футбол. Россия чемпионати.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 «Онажонлар, дадажонлар». Мусиқий бадиий фильм. 8.35 Вариацияли мавзу. 9.20 «Хох ишонинг...». 9.50 Мультфиьм. 10.20 «Ати-бати...». 10.50 Ҳужжатли панорама. 11.50 «Бахт кулиб боққанда». 12.00 «Грани» журналининг бош муҳаррири Е. Брейбарт-Самсонова «Правда» ва «Ямское поле» кўчаларининг бурчаги» кўрсатувида. 12.30 «Бурда моден» таклиф этади...». 13.00 Акс эттириш санъати. 13.25 «Чукотка бошлиғи». Бадиий фильм.

15.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

18.25 Дмитрий Хворостовский куйлайди. 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Афсунгарлар». 20.00 «Маски-шоу». 21.00 Хабарлар. 21.20 Россия Федерацияси халқ депутатлари олтинчи съездида. 23.20 Эстрада театрида хайрия концерти. 00.30 «Жаноб безатувчи». Бадиий фильм. 02.15 «Рок-кафе».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафталиги асосида тайёрланди).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: толали материалларнинг механикавий технологияси, машиналарнинг деталлари ва ПТУ, тўқимачилик материалшунослиги, трикотаж ишлаб чиқариши технологияси, ўзбек тили.

профессорлар: олий математика, машинасозлик технологияси ва конструкциявий материаллар, механизмлар ва машиналар назарияси, сиёсатшунослик.

доцентлар: пахтани ва кимёвий толаларни йигириш (2), амалий математика, электр техникаси, трикотаж ишлаб чиқариши технологияси, машинасозлик технологияси ва конструкциявий материаллар, енгил саноат иқтисоди ва уни ташкил қилиш, пахтага дастлабки ишлов бериш (2), муҳандислик графикаси, Ўзбекистон тарихи (2), сиёсатшунослик.

катта ўқитувчилар: тикувчилик ишлаб чиқариши технологияси, полиграфия ишлаб чиқариши технологияси, пахтани ва кимёвий толаларни йигириш, жисмоний тарбия, Ўзбекистон тарихи, сиёсатшунослик (2).

ассистентлар: рус тили, тўқимачилик материалшунослиги, Ўзбекистон тарихи, сиёсатшунослик (2).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700100, Горбунов кўчаси, 5-уй, расмийлаштириш бўлими, 1-хона.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ

буюртмачининг материалидан 10—11 даража аниқликдаги шестернялар, шунингдек шлице валларини тайёрлаб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилади. Кооперация ҳам мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР: 48-65-03, 48-16-24.

Тошкент агрегат заводи
«Союзреклама» акционерлик жамиятининг
«Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИ

5, 6, 7 апрель кунларида ўтказилиши керак бўлган «ОБИД АСОМОВ — «БАҲОР» МЕҲМОНИ» КОНЦЕРТИ, ансамблнинг чет эл сафарига жўнаб кетиши муносабати билан бошқа кунга, яъни 6 ва 7 апрель соат 16.00 ва 18.30 га белгиланган

КОНЦЕРТЛАР

22 ва 23 АПРЕЛЬ СОАТ 16.00 ва 18.30 га КУЧИРИЛАДИ

5 апрелга сотилган чипталарни қайтариб топширишингизни сўраймиз.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон жумҳурияти Жамғарма банки Вошқаруви жамоаси Капитал қурилиш ва моддий-техника таъминоти бўлими бошлиги М. Ж. Убаевга онаси

Иқбол НОСИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва сиёсий иқтисод кафедраси жамоаси, шу кафедра катта ўқитувчиси Одил Ҳамроевга опаси

Ойша ҲАМРОЕВАнинг

бевақт оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ депутатлари Чилонзор ноҳия Кенгаши республика отчопари бош директори, ноҳия Кенгаши депутати В. Габрилянга акаси

Рафаэл Рубенович ГАБРИЛЯНнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тўрон» бирлаштирув тижорат банк ҳайъати банк касаба уюшмасининг раиси Ш. А. Аванзовга отаси

Ҳожи Олимжон Азиз халифа ўғли ҲАКИМБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

МИНГ БОР ТАШАККУР

Файзулла ҳожи ЛУТФУЛЛА қори ўғли

ҲАМДУ САНОЛАР

Абдуфаттоҳ НАБИХУЖАЕВ, меҳнат фахрийси

Дилдаги гаплар

Мен ўтган йили Мовароуннаҳр мусулмонларининг сафида жаҳон мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳи — Саудия Арабистонидаги Маккада ҳаж сафарида бўлдим. Узоқ йиллар қилган ниятим рўёбга чиққанлигидан бошим осмонга етгандай бўлди. Бу қулай имконият Ўзбекистон ҳукуматининг доно сиёсати туфайлигина амалга оширилди. Сафардан омон-эсон келиб, кўп таниш-билишларим ва одамлар даврасида муқаддас сафарнинг моҳияти ва таассуротлари хусусида сўзлаб бердим.

Мовароуннаҳр мусулмонларининг дин йўлида зўр ихлос билан ибодат қилишлари учун ҳамма эшиклар очилиб кетди. Бу йилги ийд—Рамазон ойи ҳар сафаргидан ҳам янада файзли, ҳурмат-эътибор билан ўтказилди.

Ийд-Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин.

Биз мусулмонлар ийд-Рамазон ҳайитига етиб келганлигимиз билан жумҳуриятимиздаги ҳамма биродарларимизни чин кўнгилдан муборакбод этаман. Бу ҳайит жумҳуриятимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида қадам қўяётган жонажон Ўзбекистонимизда янада қутлуғ келди. Жумҳуриятимиз Президенти фармони билан ийд-Рамазон ҳайити куни дам олиш куни деб тайинланганлиги биз художўй мусулмонларни бениҳоя хурсанд қилди.

Мен бир мингдан ортиқ ой юзини кўрган бир мўйсафид сифатида бундай рўшнолик кунларга етиб келганлигимиз учун яратган Парвардигорга ҳамду санолар ўқийман ва барча мусулмонларимизни янада имонли, инсофли, аҳил ва тотув бўлишларини Аллоҳ-таолодан сўрайман.

Ҳаммангиз давлатимизнинг равнақи йўлида омон бўлингиз. Аллоҳу Акбар!

● Кўпин ёрлақагин, улар қатори, бизларни ҳам ўзингдан бегона қилмагин. Юртимизга омонлик, фуқароларимизга тинчлик, фаровонлик, хотиржамлик нурлари ёғилаверсин, омин!

«РИСОЛА» ФИЛЬМИ— ТЕЛЕЭКРАНДА

Бу йилги Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган узлуксиз телемарафонда биз мусулмонларнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва диний фаолиятига бағишланган «Рисола» бадиий фильми намойиш этилган эди. Кинолента айни саҳар пайтида кўрсатилганлиги учун кўпчилик бу имкониятдан тўла баҳраманд бўлолмади.

Энди томошабинларнинг кенг давраси талабларига кўра, Ўзбекистон телерадиокомпанияси бу «Рисола» фильмини мусулмонларнинг ийд-Рамазон ҳайити кунида иккинчи бор намойиш этишни савобли иш деб билди. Шундай қилиб бу ноёб кино асари 4 апрель куни кечқурун соат 21 дан бошлаб уч соат ўн беш минут давомида кўрсатилади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад ҳақидаги «Рисола» бадиий фильмини кўришга ҳамма таклиф этилади.

А. ҲОЖИАКБАРОВ.

Қадриятларимиз

ҚУТЛУҒ ИБОДАТГОҲ

Ўтган асрларда яшаган Хўжа Аҳрор Валининг ҳузурида котиблик лавозимида ишлаган Мирза Юсуф ўз замонасининг диндор зиёлиларидан бири бўлган. У киши ҳозирги Киров ноҳиясидаги Жаҳон Обидова кўчасида истиқомат қилиб дунёдан ўтган. Котиб яшаган жойда ҳозирда янги масжид биноси бунёд этилиб, мусулмонлар ихтиёрига берилди. Бу ерда қурилиш ишларини олиб боришда Мирза Юсуф маҳалласининг отахонлари Шомансур, Зубайдулло ва Миразим сингари нуроний кишилар кўп ишларга бош-қош бўлдилар. Қурилиш ишларида ургутлик Асрор Остонов ва Фахрилла Нуриллаев садоқат билан меҳнат қилишди. 400 квадрат метр саҳнли хонақоҳда барча ишлар юксак дид ва нафосат билан адо этилган.

— Масжидни Аллоҳнинг уйи деймиз, — дейди янги Мирза Юсуф масжидининг имом хатиби Абдуқодир Мардон ўғли Ҳайдаров. Бу масканда биз мусулмонларга хос икки буюк фазилатлар намоён бўлмоғи даркор. Рамазон ҳайити арафасида ишга тушган бу бино Бодомзор, Обод, Ойдин, Ҳурматли ва Улуғбек маҳаллаларининг аҳолиси учун ҳар томонлама қулай бўлди.

Янги масжид биносида куни кеча Лайлат-ул-қадр маросими бўлиб ўтди. Диний бу тадбирда Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Бошқарма раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик сари дадил қадамлар қўйётганлиги ва жаҳондаги барча ислом ва мусулмон давлатлари билан олиб борилаётган диний алоқалар хусусида гапириб берди. Маросимда Саудия Арабистони, Туркия ва Покистон мамлакатларидан келган меҳмонлар ҳам қатнашиб яхши қаноат ҳосил қилдилар.



● Мустақиллигимиз шарофати туфайли тарихий обидалар ва қутлуғ ибодатгоҳлар ўз соҳиблари хизматидадир.

Муборак, диёримиз муборак!

«ГУРУНГ»НИНГ МАХСУС САҲИФАСИ

ХАЙРИЯ

ҲАМИША ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Ийд-Рамазон арафасида Тошкент шаҳар Ленин районидаги 506 ва 247-болалар боғчалари байрам тусини олди. Бу ерга Халқ демократик партияси район кенгашининг биринчи котиби З. Асадов ва район халқ таълими бўлим мудири Н. Сучкова болаларни байрам билан қутлагани келдилар. ХДП Ленин район кенгаши боғчалар учун алоҳида хайрия совғалари улашди. Боғчаларга магнитофон, 2 тадан диапроектор, шолча хайрия этилди.

Болалар боғчалари тарбияланувчиларининг қувончи ичига сиғмади. 506-болалар боғчаси ёш ҳаваскорлари қизиқарли қўшиқ ва рақслар ижро этдилар.

Байрам арафаси олдидаги хайрия Тошкент шаҳар йўл тармоқларини қуриш ва таъмирлаш трестида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда бир неча йилдан бери ишлаётган Саноат Жумакова вояга етмаган тўрт нафар меварасини тарбияламоқда. Унинг қарамоғида 85 ёшни қоралаган отаси ҳам бор. ХДП район кенгаши С. Жумакова оиласи учун ун, шакар, чой, чойшаблар хайрия қилди.

— ХДП район кенгаши фаолларидан мамнунман, — дейди С. Жумакова. — Биз сингари муҳтож оилаларга доимо эътибор берилаётир. Қанийди, ҳар бир ташкилот раҳбарлари шундай бўлса.

М. ҚУРБОНОВ.

● Муборак айём куни табаррук инсонлар — ота ва онани зиёрат этиш фарзандлар бурчи. Ота ва она розилиги фарзандлар ҳаётининг баракотидир.

ТАБАРРУК КУН

Нуриддин МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликлари муҳофазаси жамияти раиси, меҳнат фахрийси

Ассалому алайкум! Муҳтарам азизу биродарлар, дўсту-ёронлар, қутлуғ айёмингиз — ийд—Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин.

Рамазон ҳайити менинг ҳаётимда уч муҳим даврни эслатиб туради. Биринчиси, мурғак болалик чоғимда Акрамшо бобом, Муҳиддин дадам билан етаклашиб тонг саҳарда Ҳасти имом масжидига борар эдик. У ерга жуда ҳам кўп одам тўпланар эди. Ҳаммалари яхши кийинган, файзли бир ҳолатда оммавий бўлиб намоз ўқишар эди. Бу намоз ниҳоясига етгач, қариндош-уруғлар, яқин биродарлар хонадонларига бориб, табаррук мўйсафид кишиларни йўқлашдек яхши тадбирларда қатнашиб шодланар эдим.

Иккинчиси, халқаро дипломатик хизмат тақозоси билан мамлакатимизнинг ҳорижий эллардаги элчихоналарида ишлаган пайтимда бир неча марта бу ҳайит жуда кенг нишонланганлигининг жонли гувоҳи бўлганман. Бундан ташқари ўша араб мамлакатларида ҳайит муносабати билан ташкил этилган барча маросимларда қатнашганман. 1958 йилда Миср Араб Республикаси Президенти Жамол Абдул Носир билан Қоҳирада, 1974 йилда Сурия Президенти Ҳафиз Асад билан Дамашқдаги жомъэ масжидларида Рамазон ҳайити намози ўқилишида иштирок этганман. Ўша воқеалар, ўша гўзал манзаралар менинг қалбимда ҳозиргача буюк ифтихор туйғуси бўлиб сақланиб қолган.

Учинчиси, эса ҳозирги даврга келиб, серқуёш диёримда бу ҳайитни нишонлаш учун кенг йўл очиб берилганлиги билан фахрланмоқдаман.

Бу ҳайит ўзининг тўла маъноси ва моҳияти билан чиндан ҳам каста ва қутлуғ байрамдир. Одатда халқимиз бу байрам олдидан тўрт кун қизғин тайёргарлик кўрар эди. Кўча-ҳовлилар супурилиб, ҳаммаёқ ораста этилар, сув сепилар, хонадонларда эса меҳмонлар дастурхони учун ранг-баранг пиширириқлар ҳозирланиб, ҳайит намози учун янги либослар тикилар эди. Ҳозирда ҳам шундай бўлаётганлиги қувонарлидир. Ҳайит куни бизгача ўтиб кетган ота-боболарнинг арвоҳларини шод этиш, табаррук кишиларни зиёрат қилиш, болаларга совғалар бериш ва қолаверса гўзал келин-саломлари билан ғоятда файзлидир. Бу фазилатлар диний байрамга нисбатан буюк эътиқод ва ҳурмат рамзи ҳисобланади.

МАККАДА~ ҲАЙИТ НАМОЗИ

Кеча Тошкентда тонг саҳар чоғида қувончли воқеанинг шоҳиди бўлганлигим билан бир умр фахрланадиган бўлдим. Мовароуннаҳр Мусулмонлари бошқармасининг ташаббуси билан Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги энг қутлуғ даргоҳ—катта масжидида Рамазон ҳайити намози ўқилиш маросимини телевизион экран орқали кўриш ташкил этилди.

Бу ишда Тошкентдаги машинасозлик лойиҳа бюроси муҳандислари жонбозлик кўрсатишди.

Эрталаб техника масканининг махсус устахонасида тонг саҳардан бошлаб ускуналар ишлай бошлади. Эр-Риёд шаҳридан мамлакат телевиденисининг биринчи дастури бўйича суҳбат ниҳоясига етгач, диктор Маккан Мукаррамадан кўрсатув эфирга уланишини эълон қилди. Биз кўпчилик бўлиб ҳаётимизда биринчи марта Тошкентда туриб олис шаҳардаги ҳайит намози ўқилиши бошланишини ихлос билан томоша қила бошладик.

Маккадаги ўша муқаддас масжидда аввало Қуръони карим оятларидан шарҳлар айтилди. Сўнгра, Саудия Арабистони подшоҳи Абдул Азиз ва унинг ҳукумати маҳкамалари раҳбарлари, хорижий эллардан келган давлат арбоблари экранда тез-тез кўрина бошлади.

Тошкент вақти билан соат 8 у 30 минут. Макка масжидида ҳайит намози ўқилиши бошланди. Чамаси ярим миллион мўмин мусулмонлар ийд-Рамазон ҳайити намозини ихлос ва меҳр-муҳаббат билан ўқидилар. Имом хатибнинг Қуръони каримдан тиловат қилган суралари экран узра жаранглаб эшитилиб турди. Кўрсатув жараёнида Макка шаҳри ўзининг гўзал меъморчилик обидалари жамоли ва намоз ҳайитининг улуғворлиги ҳар қандай инсон учун чинакам жозибали эди. Телестудиянинг иккинчи дастури бўйича Эр-Риёд шаҳридаги катта масжидда ҳам ўқилаётган ҳайит намози инглиз тилида шарҳи билан узлуксиз кўрсатилиб турилди.

Бу шодиёнали маросим ҳақида ёзиб олинган видеокасеталарни Ўзбекистон телерадиокомпанияси вакиллари қабул қилиб олишди. Лавҳалар бугун республикамиз ҳойнаи жаҳонни орқали соат 21.10 да кўрсатилади.

Конструкторлик бюроси раҳбари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Шавкат Воҳидов бундай деди:

— Биз техника ижодкорлари ана шундай муборак кунда хайрли ишни амалга оширганимиздан беҳад мамнунмиз. Бу ишдаги нуқсонларимизни яратган тангрининг ўзи кечирсин. Кашфиётимиз одамларни яхшиликка даъват этишдаги дастлабки тажрибадир. Ҳаммангизни Рамазон ҳайити билан муборакбод этамиз.

Абдулла ПУЛАТОВ.

● Муслим ва муслималар ихлос ва сабрда баробардирлар.

● Ўтганлар хотирасини ёдга олиш, дуога қўл очиш савобли ишлардандир. Ажр савобларимиз зиёда бўлаверсин.

● Барча эзгуликлар ва саҳийликнинг дебочаси дастурхон кўркидадир. Халқимиз боши узра мустақиллик ва эркинлик, иймонда собитқадамлик бароридан келаверсин.

*

Суратларни В. МОЛГАЧЕВ ва В. ТЎРАЕВ олган.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 88.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.